Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 17 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 80(7076)

Da'vat

Соғайиб кетишингни худди байрамдек кутгувчи дўстларинг борлигини билсанг, ҳатто касалга чалиниш ҳам ёқимли туюлади.

А. Чехов

Ibrat

Кучли ақл-заковат соғлом вужудда бўлади. Шуни эътиборга олиб, Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари қўшма қарор қабул қилиб, барча мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббиёт ҳоналари очишга, уларни малакали шифокорлар билан таъминлашга киришдилар.

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 16 октябрь куни Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов таклифига биноан Туркманистон Республикасига қилган амалий ташрифи самарали ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинланди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандум доирасида сайлов қонунчилиги масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи мажлисида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар боришининг 1998 йил тўққиз ойлик якуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Оила йили дастурининг ушбу соҳа бўйича бажарилиши масалалари муҳокама этилди.

• Косово мажоросини тинч йўл билан бартараф этиш борасида халқаро ҳамжамият қўйган талаблар Югославия ҳукумати томонидан қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш учун Югославияга икки минг нафар халқаро кузатувчилар жўнатилиши кутилмоқда.

• БМТ ҳузуридаги жаҳон озиқ-овқат дастури Хитойнинг сув тошқинидан зарар кўрган Хунай вилояти аҳолисига ёрдам сифатида 28 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилди.

Maktabgacha ta'lim

ОЛТИ ЁШЛИЛАР МАКТАБГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАЯПТИ?

Сир эмаски, 1998-1999 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган 6 ёшли болалар сони камчиликни ташкил этади. Хўш, мактабга қабул қилинмай қолган болаларнинг кейинги тақдири нима бўлади? Жамоатчи мухбиримиз С.Абдуллаева Қибрай тумани халқ таълими бўлими мудири Усмонали МУСАЕВ билан шу хусусда туманда тўпланган тажрибалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар борасида суҳбатлашди.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 1-синфга 6-7 ёшли болаларнинг қабули эълон этилди. Мактабга қабул қилинадиган болалар туман халқ таълими бўлими қошида янги ташкил этилган педагогик-психологик ташхис Марказида мутахассислар кўригидан ўтишлари лозим эди.

Бизнинг Марказимизга ота-оналардан фарзандини 6 ёшдан бошлаб, 1-синфга қабул қилиш мақсадида кўрикдан ўтказишга 800 дан ортиқ ариза тушди. Биринчи навбатда, болалар тиббий кўрикдан ўтиб, сўнгра психолог ва малакали мутахассислар суҳбатига тортилди. 2-босқичда болалар Керн-Йирасек тести, мантиқий топшириқларни бажариш, теварак-атроф ва ижтимоий ҳаёт воқеалари доирасидаги саволларга жавоб беришди. 312 нафар бола синовлардан муваффақиятли ўтиб, 1-синфга қабул қилинди.

Ўтолмаган болаларни биз рўйхатга олиб, ҳар бирини алоҳида ўрганиб чиқдик. Оилада тарбия олаётганларга турар жойидаги мактабгача таълим муассасаларига қатнашишларини тавсия қилдик. У ерда мутахассислар қўлида бола тиббий назоратда бўлиб, соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирок этади, вақтида овқатланиб, дам олади, жисмоний ривожланади. Шу билан бирга мунтазам равишда мактабдаги таълимга тайёргарлик кўради. Бунда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси билан танишади, математик тасаввурлари ўсиб, луғат бойлиги ортади. Жисмоний ривожланишида нуқсонлари аниқланган болалар махсус боғчаларга йўлланма олдилар. Мақсадимиз - 5-6 ёшли болаларни таълим муассасаларига мумкин қадар тўлиқ қамраб олиш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланганидек, уларни мактабдаги таълимга талаб даражасида тайёрлашдир. Бу жараён ҳар хил шаклда, турли муассасаларда амалга оширилиши мумкин.

Мунтазам фаолият кўрсатувчи боғчалар; шанба-якшанбалик гуруҳлар; маҳалладаги таянч гуруҳлар; мактабдан ташқари муассасаларда тайёрлов тўгараклар; хонадон репититори; ёз давридаги қисқа муддатли «аванс-мактаб» кабилар мактабга тайёргарлик курслари жумласига киради.

(Давоми 2-бетда)

Tajriba-sinov maydonchalarida

ТИЛ БИЛГАН ТИЛЛО ТОПАР

Айни пайтда республикамизнинг деярли барча минтақаларида маълум фан йўналиши бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Давр тақозоси билан бугун инглиз тилини чуқур ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштириш мақсадида яратилган тажриба дастурини синаб кўриш, эришилган натижалар асосида тегишли хулосалар чиқариш учун Тошкент шаҳридаги 234-мактаб тажриба-синов майдончаси сифатида танланган эди. Жорий ўқув йили бошлангунга қадар ушбу шарафли масъулиятни ўз зиммасига олган мактабда тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Чет тилини ўргатишга мослаштирилган синфхоналар кўргазмали қўлланмалар билан бойитилди. Малакали мутахассислар жалб қилинди. Бевосита синов олиб бориладиган синфга инглиз тили аввал ўқитилмаган, яъни тилни билмайдиган болалар саралаб олингани ҳам бежиз эмас. Кейинчалик вилоятларда ва узоқ қишлоқ мактабларида жорий этилиши кўзда тутилган янги дастурнинг натижаларига тўғри баҳо беришда ва уни такомиллаштириб боришда бу жуда муҳимдир.

Ҳозирда дарс жараёнлари қизиқарли олиб борилаяпти. Махсус синф хоналарда инглиз тилини ўрганишга ижобий таъсир қилувчи муҳит яратилган. Бу ерда кундалик ахборотлар, асосий саналар, миллий ва умумхалқ байрамлари, йил фасллари ҳақидаги маълумотлар қисқа ва содда қилиб инглиз тилида ёзиб қўйилган. Ўқитувчининг услубий маҳорати самараси ўлароқ, ўқувчилар ўртасида кескин рақобат пайдо бўлганлиги ҳам қувонарли ҳол. Болаларга хос ҳозиржавоблик ва кўпроқ билиш иштиёқи барчани инглиз тилини чуқурроқ эгаллашга ундамоқда.

Биз инглиз тилини ўргатиш учун яратилган янги дастур бўйича бевосита иш олиб бораётган инглиз тили ўқитувчиси Ҳурматой Ғаниева билан мулоқотда бўлиб, кузатув жараёнларида пайдо бўлган саволларга қуйидагича жавоб олдик:

— Чет тилини, хусусан, инглиз тилини воситачи тилсиз ўргатиш услублари тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Инглиз тилини ўргатишда албатта, маълум мавзуларни қамраб олган дастур бўйича иш олиб борилади. Илгарилари бирор бир чет тилини ўргатишда рус тили воситачи тил қилиб олинарди, яъни рус тили орқалигина бошқа бир чет тилини ўзлаштириш мумкин бўларди. Сабаби, чет тилини ўрганишнинг асосий воситаси бўлган луғатлар рус тилида чиқариларди, чет тили ўқитувчилари ва мутахассислар тайёрлаш жараёнлари ҳам рус тилида олиб борилар эди.

Тажрибадаги янги дастурда инглиз тилини ўргатишнинг янги услубларига катта аҳамият берилган. Кўргазмали қўлланмалар, ўқувчини фикрлашга ундовчи расмлар, ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжларига оид ҳатти-ҳаракатлардан тортиб, нарса ва ҳодисаларнинг инглиз тилидаги ифодалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тил ўргатувчининг педагогик маҳорати, бола психологиясини яхши билиши, ўқувчи билан мулоқот ва муомала мезонларига амал қилиши ҳам тил ўргатишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Демоқчиманки, у том маънода ижодкор бўлиши керак.

— Синов дастури бўйича иш олиб боришда инглиз тили ўқитувчиси квалификациясига эга бўлган ёш мураббийлар нималарга кўпроқ эътибор беришлари керак?

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

БМТ ЭЪЛОНИ

БМТ маълумотида айтилишича, ҳозирги пайтда сайёрамиздаги ҳар ўн кишидан бири 60 ёшдан ошганлардир. Бу жараён йил сайин ривожланиб бормоқда. 2050 йилда ер юзи аҳолисининг ҳар бешдан бирини, 2150 йилга бориб эса, ҳар учдан бирини шундай ёшга етганлар ташкил этиши кутилмоқда. Кекса ёшлилар муаммосига жамият эътиборини қаратиш мақсадида, БМТ томонидан 1999 йил — Халқаро қариялар йили деб эълон қилинди.

КУЛИНГ — СОҒ БЎЛАСИЗ

Америка тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, саратон (рак) ва юрак хасталикларининг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан инсон табиатига боғлиқ экан. Олимлар узоқ вақт кайфиятнинг бузуқ юриши, тушкунлик саратонни, қаҳр-ғазабга эрк бериш эса, юрак хасталикларини келтириб чиқаради, дея таъкидламоқдалар. Ҳа, кулиб юрганга нима етсин?

СЕРЖАҲЛЛИК САБАБИ НИМАДА?

Ҳиндистонлик олимлар 250 нафар кишини узоқ вақт кузатиб, одатда гўштли таомлар ейдиганларнинг 85 фоизи ғоят қизиққон ва тажовузкор феълга эга эканликларига амин бўлдилар. Асосан мева-сабзавот истеъмол қиладиганларнинг 90 фоизи эса, ўзини хотиржам тутадиган, вазмин кишилар экан. Олимлар асабини жиловлай билмайдиган, жаҳлдор кишиларга кўпроқ мева-сабзавот тановул қилишни маслаҳат бермоқдалар.

ОЛИМЛАРНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛ

Оксфорд университети олимлари янги ирсият топишди. Мабодо бу ирсият ҳайвонларга ўтказилса, улар гапириши мумкин экан. Инглиз ирсиятшунослари яқин уч йил ичида, шундай тажрибани мушук, ит ва маймунда синаб кўришмоқчи. Агар тажриба муваффаққиятли чиқса, ҳайвонлар нафақат инглиз, балки жаҳонинг бошқа тилларида ҳам гапира олишларига олимларнинг ишончи комил.

Ота-она ва мактаб— дарёнинг икки қирғоғи 2-,3-бетлар

Фан ва ҳаёт уйғунлиги 2-бет

Алломалар гурунги 4-бет

«Нафосат»нинг нафис мажлиси 4-бет

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз, доимий ҳамроҳу ҳаммаслагингиз бўлмиш «Маърифат»га 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:

Якка обуначилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150

Xorijda ta'lim

ФРАНЦИЯДА ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда турли соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг ислоҳотлар олиб борилаётган экан, кўпчиликнинг узга мамлакатлардаги таълим тизимига бўлган қизиқиши ортиши табиийдир. Мана шу қизиқишни бир оз бўлса-да, қондириш мақсадида мамлакатимиз билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилаётган, Европанинг энг катта давлатларидан бири бўлмиш Франциядаги таълим тизими тўғрисидаги баъзи маълумотлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Франциядаги таълим босқичлари мамлакатимиздаги таълим босқичларидан бир оз фарқ қилади. Таълимнинг дастлабки босқичи мажбурий эмас ва у икки ёшдан олти ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун мўлжалланган бўлиб, маҳаллий тилда «оналарча таълим» (сўзма-сўз таржимада) деб аталади. Бу босқични биздаги мактабгача таълим босқичи билан қиёслаш мумкин.

Таълимнинг иккинчи босқичи эса, 1881 йилдан буён бепул, умумий ва мажбурийдир. Бу босқичда таълим олиш «дастлабки таълим мактаблари» деб номланувчи муассасаларда давом этади. Бу босқичда ўқувчилар олти ёшдан ўн бир ёшгача ўқийдилар. Бу босқични эса биздаги бошланғич таълим босқичи билан қиёслаш мумкин.

Кейинги босқичда эса таълим олиш «иккинчи босқич таълим мактаблари»да давом этади. «Иккинчи босқич таълими» ҳам 1933 йилдан бери давлат мактабларида бепул, умумий ва мажбурийдир. Бу босқичнинг ўзи иккига ажралади. «Иккинчи босқич таълими»нинг 1-қисми коллежларда 11 ёшдан 15 ёшгача давом этади. Бу босқичда ўқувчилар «касб-ҳунар» лицейларига киришга тайёрланишади.

(Давоми 3-бетда)

Sog'lom avlod uchun

«ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР»

Дастур шундай аталади

Шу йилнинг октябрь ойидан республикамизда тажриба тариқасида ёшлар учун «ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР» таълим дастури амалга тадбиқ этила бошланди. Тадбирнинг ташаббускори — «Узбекистон Бритиш Американ Тобакко» қўшма корхонаси ҳисобланади. Халқ таълими вазирлиги мазкур тадбирни қуллаб-қувватлаб, умумий таълим мактабларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўқувчиларнинг зарарли одатларга ружу қўйишини, бинобарин, тамаки чекишнинг олдини олиш мақсадида юқоридаги қўшма корхона билан ҳамкорлик шартномаси тузилди. Дастурни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Республика ёшларининг «Камолот» ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази жалб қилинди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 9-сонли, Ҳамза туманидаги 204-сонли ҳамда Тошкент вилояти Тошкент туманининг 9-сонли умумий ўрта таълим мактаблари тажриба-синов майдончалари сифатида қабул қилинди. 9 октябрь куни Республика таълим марказида юқоридаги мактаб ўқитувчилари учун тадбир бўйича таълим дастури лойиҳаси муаллифлари ҳисобланган профессорлар Д.Шарипова ва В. Токарева раҳбарлигида илк ўқув машғулотлари бошланди. Махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар бевосита мактаб ўқувчилари билан дарсда ва тарбиявий соатларда машғулотлар олиб борадилар.

Ушбу таълим дастурининг мақсади — ўқувчиларнинг ижтимоий салоҳиятини юксалишида мустақил фикр ва қарор қабул қилишларига, муаммоли бўлган вазиятларда, шу жумладан, чекишга қарши масъулиятли бир қарорга келишларига ёрдам беришдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

ХАБАРЛАРИ — MMM

SOVG'ALARDA MEHR AKSI

Qoraqalpog'iston Respublikasi «Bilim» nashriyoti maxsus maktab-internati tarbiyalanuvchilari uchun «Alifbo» darsligini Qoraqalpoq imlosida nashrdan chiqardi. Ushbu maxsus darslik rangli tasvirlarga boy muqovada nashr qilingan bo'lib, mualliflar va nashriyotning bolalarga ajoyib sovg'asi bo'ldi.

G'. YOQUBOV

YANGI MAKTABLAR

Pitnak shahrida ikkita 640 o'rinli yangi maktab binolari qurilib, foydalanishga topshirildi. Shuningdek Hazorasp tumani Yangibozor va Muxomon qishloqlarida har biri 840 o'rinli zamonaviy maktablar qurilib ishga tushirildi. Vohada ta'lim sohasiga e'tibor ana shunday amaliy ishlarda o'z aksini topmoqda.

MUXBIRIMIZ

«Elektroapparat» himmati

Andijondagi «Elektroapparat» hissadorlik jamiyati o'z otalig'iga olgan shahardagi 29-maktabga yana bir himmat ko'rsatdi. Jamiyat rahbari Obidjon Fozilov tashabbusi bilan o'quv maskaniga 60 ming so'm pul o'tkasildi. Bu o'z navbatida kam ta'minlangan oilalar farzandlariga qishki issiq kiyimlar olib berish imkonini beradi.

S.Keldiyev

TAHRIRIYAT INSTITUT MEHMONI

O'tgan hafta O'rta maxsus kasb-hunar ta'limini rivojlantirish institutida «Jahon adabiyoti» jurnalining ahamiyati va mohiyati to'g'risida katta anjuman bo'lib o'tdi.

Anjumanni institut prorektori Atomurod Abduquddusov ochib qatnashchilarni — adabiyot muxlislarini va «Jahon adabiyoti» xodimlarini tabrikladi. «Jahon adabiyoti» jurnali muharrir o'rinbosari Mirpo'lat Mirzayev va jurnal mas'ul xodimi Shoira Usmonxo'jayevalar o'tish davri jurnalning ma'naviyatimiz va milliy mafkuramizni talabalar va o'quvchilar ongiga singdirishdagi ahamiyati to'g'risida so'zladi.

M.SODIQOV

HUQUQIY DEMOKRATIK JAMIYAT SARI

Toshkentda O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Ommaviy Axborot vositalarini qo'llab-quvvatlash ijtimoiy-siyosiy jamg'armasi bilan hamkorlikda tashkil etgan qisqa muddatli o'quv jarayonlari nihoyasiga etdi.

Maxsus kurs tinglovchilari bo'lgan jurnalistlarga nufuzli idoraning sertifikatlari berildi.

MUXBIRIMIZ

MMM — XABARLARI

ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР



Ёшлик-бу ҳаёт лаззати ва ҳар қадамдаги қашфиётдир.

Лекин бу бошқалар қилганишни қил деганиэмас

Масалан,чекишни ўрганиш!

Ахир ҳаётдан бахраманд бўлишнинг бошқа йўлларн борку!

Қани ҳозирнинг ўзида бир тўхтамга кел ва ўзлигингни англа!

Ҳозирнинг ўзида - тўғри ҳал қил!

Олдинда қанчадан-қанча қизиқарли нарсалар борки, сен уларни синаб кўришинг керак бўлади!

(Боши 1-бетда)

Лойиҳани амалга татбиқ этиш бошланар экан, унинг қатнашчилари ўз олдиларига ҳар бир ўсмирга ҳаётнинг барча қирралари қизиқарли эканлигини, бунинг учун саломатлик ва ижодий бойлик лозимлиги тўғрисидаги асосий тушунчани етказишни бош тамойил қилиб оладилар. Усмирлар томонидан турли муаммоли ҳолатларда, жумладан чекиш ёки чекмаслик ҳақида ўз зиммасига жавобгарлик масъулиятини олиш, қадр-қимматини ҳамда муомала маданияти, дўстларни танлаш, низоли вазиятларни тўғри ҳал этиш, бой миллий анъаналаримизни сақлаш масалалари бош вазифа этиб белгиланди. Тадбир асосида ўтказиладиган «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» таълим дастури юқоридаги мактабларнинг 9-синф ўқувчилари учун қўшимча машғулот ўтиш мақсадида ишлаб чиқилган. Дастурни ахборот билан таъминлаш учун ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар учун рангли қўргазмали плакатлар, буклетлар ва саволномалар чиқарилган.

Мазкур лойиҳа дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Чехия, Малайзия, Таиланд ва АҚШда ўтказилган. Айни пайтда бундай тадбир Россия ва Қозоғистонда ҳам ўтказилмоқда. Кашандалик ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги учун зарарли эканлигидан келиб чиқиб, манфаатдор томонлар ушбу 3 ойлик ўқув машғулотларида фаол қатнашишга қизиқиш билан қарамоқдалар.

Рўзимуҳаммад СУЛТОНОВ

ТИЛ БИЛГАН ТИЛЛО ТОПАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Эътибор берсак, олийгоҳларда чет тили, хусусан инглиз тили мутахассисларини тайёрлаш янги босқичга кўтарилди. Кейинги йилларда уларнинг сони бир неча баробар кўпайди. Шу билан бирга билим савиялари, тил билиш даражаси, дунёқарашлари ҳам чет эллардан жалб қилинган мутахассислар таъсирида кескин ўзгарди. Янги дастур бўйича иш олиб боришда ёш мураббийларнинг малакалари етарли, деб ўйлайман. Фақатгина улар ўқувчида бошқа тилга қизиқиш уйғота олса, уни тилнинг сеҳрли оламига етаклай билса, ўқувчи руҳияти ва қобилияти билан ҳисоблаша олса бас. Ҳозир олиб бораётган тажрибасинов ишларимиз ниҳоясида эришилган натижалар ва хулосаларга таяниб инглиз тили ўқитувчиларига қўшимча услубий тавсиялар бериш ниятимиз ҳам бор. Чунки, инглиз тилини билиш эҳтиёжини ҳар бир фуқаро сезиб турган бир пайтда ўқитувчи тил ўргатишга бефарқ қараши мумкин эмас.

— Шу ўринда янги дастурнинг эскисидан фарқлари ва аҳамиятига тўхталсангиз.

— Асосий фарқ қилувчи жиҳатларидан бири мавзулар моҳияти ва кетма- кетлигида бўлиб, синфлар ва ўқув йили чораклари бўйича аниқ тақсимлаб чиқилган. 5-9 синфлар оралиғида ҳажми жиҳатдан олдинги 5-11-синфларда эгалланадиган билимлар қамраб олинган. Грамматик материалларни ўзлаштиришда ўтилган лексик бирликлар (сўз ва иборалар)нинг фаол иштироки таъминланган. Бундан ташқари эшитиш, кўриш ва сўзлаш органлари иштирокини кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш шартлари берилган. Бу уз навбатида ўқитувчи учун кенг ижод майдонини яратади.

Яна бир муҳим масала. Инглиз тили дарслари ҳафтасига уч соат қилиб белгиланган. Умуман, барча фанларнинг муҳимлигини ва уларга ажратилган дарс соатларини таққослаганда инглиз тилини ўрганиш учун муҳим эмас. Бу жиҳатдан ўқитувчи ва ота-она бирлигига эришиш керак. Тил ўрганишнинг аҳамиятини ҳар бир болага етказа билиш, ҳаётимиздан жонли мисоллар келтириб, уларнинг иштиёқини ошириш бу ишда муваффақиятлар гарови бўла олади.

Ушбу тажриба синов майдончаси ҳақида яна икки оғиз сўз айтишни лозим топдик. Мактабда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ тажрибалар бошланган. Деярли барча фанлардан дарслар ноанъанавий усулда ташкил қилинишига эътибор берилган. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари тўғри йўлга қўйилиши баробарида ҳар қандай ташаббус ва услубий маҳорат чуқур қадрланади. Мактаб илмий жамоасининг олий ўқув юртлари мутахассислари билан амалий ҳамкорлиги ибратли ташкил қилинган. Айни пайтда ўқув даргоҳи раҳбарияти ва С. Раҳимов туман ХТБ ходимлари тажриба-синов майдончасида махсус кутубхона ва аудио-визуал техника мажмуини ташкил қилиш тараддудида.

Фахриддин КАРИМОВ

ҲУРМАТГА САЗОВОР МУАЛЛИМ

Олимжон мактабни битирдию, қалбига қулоқ солди: ички бир нидо уни ўқитувчиликка даъват этарди. Покиза орзулари уни Каттақўрғон педагогика билим юртига етаклади ва қисқа давр ичида у билим даргоҳида расм-чизмачилик ихтисосини пухта эгаллаб, мактабда дарс беришга орзуманд бўлиб қолди. Шу тариқа у 1993 йилдан буён билим гулшанида чизмачилик ва тасвирий санъат фанидан сабоқ бериб келмоқда. Қалб амри билан ишлайдиган бу сермаҳсул муаллим дарсларини тарқатма материаллар ёрдамида замонавий усуллардан фойдаланиб утади. Ёш бўлишига қарамай ҳаммага бошу қош: мактаб касаба уюшмасини бошқаради. Қатъий, талабчан масъулиятни ҳис қила оладиган жонфидо муаллим. Бу ижобий хусусиятлари туфайли у мактаб жамоаси орасида ўз обрў эътиборига эга. У бошчилиғидаги турли тадбирлар жуда қизиқарли ўтади.

Ўқитувчилик истеъдоди кузга ярқ этиб ташланиб турган пешқадам ўқитувчи 6 йилдан буён шаҳар расм ва чизмачилик фани ўқитувчилари услубият бирлашмаси бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Касб маҳорати йилдан йилга такомиллашиб бораётган оловқалб муаллим яқинда Самарқандда ўтказилган тасвирий санъат асарларининг вилоят кўрик-танловида «Амир Темур лашкарининг Сейстонни забт этиши» миниатюра асари билан қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасидан муносиб жой олди.

Истеъдодли муаллимнинг ўқувчиси Шаҳруз Қурбоновнинг тасвирий санъат соҳасидаги иши шаҳардаги энг яхши график асар деб топилиб, Польшада ўтказиладиган конкурсга юборилди.

Бу ўқитувчининг услубий санъаткорлигини намойиш қилиш мақсадида унинг маърузаларидан бирини келтиришни лозим топдик:

Тасвирий санъат дарсларини ўтишда аппликация усулини қўллаш

Аппликация халқ амалий санъатида кенг ўрин тутади. Бу усулда қоғоз, қуритилган ўсимликлар, мато, чарм, сомон, картон, сунъий гуллардан фойдаланиш мумкин. Аппликация усули билан синфхоналар, меҳмонхоналар, ошхоналар безалади. Аппликация якка тартибда бўлиши мумкин: барг, шохча, дарахт, гул, қуш, машина, уй, пахта. Яна масалан «Бизнинг Ватан», «Тошкент», «Кеча, бугун, эртага», «Космоса парвоз», «Варрак учириш», «Мустақил Узбекистон» мавзуларидаги сюжетли аппликация ҳам фарқланади.

Аппликация тасвирий санъатда асосий роль ўйнайди. Кичик ёшдаги болалар ҳам бу усулда осон расм чиза оладилар. Деталлар қийинчиликсиз қирқиб олинади ва керакли шаклда ёпиштирилади. Аппликацияда қоғоз асосий ролни бажаради, керакли жойларда чармга ўхшатиб бўялган қоғоз, картон ҳам ишлатилади. Оқ қоғозни бўяшда тушь, сиёҳранг, мойли бўёқлар, акварель, гуашь, аччиқ қилиб дамланган чой ва кофе, пиёз пусти, қайнатилган сув ҳам бўёқ вазифасини бажаради. Бўяшда мўйқаламлар, пульвезаторлар, латта ва қоғозлардан фойдаланилади.

Тароқ ва туш чўткаси билан томчи усулида бўяш мумкин. Бунда пахталан фойдаланиш қулайдир. Мойли бўёқни керосин билан қуюқ ҳолатга келтирамиз. Тоғорага солинган сув устига шу қоришмани сачратамиз. Тайёр қоғозни сув юзидаги бўёқ томчилари устига секин ботириб оламиз. Шу усулда бир неча хилдаги мармар қоғоз тайёрлаш мумкин. Бўялган иш қоғозлар устига қўйиб қўйилади ва қуритилади. Бу қоғозлардан гулдонлар, ҳарфлар, идиштовоқ, рақамлар қирқиб олиш мумкин. Аппликация ишида ҳар қандай елимлар ҳам ишлатилавермайди. Намуна: бир чой қошиқ крахмал, беш чой қошиқ музлай сув ва 0,5 миқдорда қайноқ сувдан тайёрланилади. Шу усулда паст навли ундан клейстер тайёрлаш мумкин. Иш жойи ўзига хос бўлиши керак. Текис ва қаттиқ кенг стол устида бу ишни бажариш яхши натижаларга олиб келади. Олдинги дарсларда қоғозлар, иш қуроллари тайёрлаш қўйилади. Ҳамма материал тайёр бўлгандан кейин иш бошланади.

Қалби қуёш ўқитувчи Олимжон Зайнитдинов ажойиб синф раҳбари, мактабда ўз фанидан тўгарак ишларини намунали йўлга қўйган, ишга ижобий ёндашувчи меҳрибон мураббийдир. Унинг 30 ўқувчи қатнашадиган тасвирий санъат тўгарагининг иши шаҳарда машҳур бўлиб қолди. Ёш рассомлардан Озода Давомова, Ирода Мардонова, Сайёра Сайдиновалар унинг шогирдларидан саналади. Рангбўёқ шайдолари ўқитувчилари раҳбарлигида ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида изланиш ва ихтиро шиорини асос қилиб олиб, усимлик мойига қора кўмирнинг майдалангани ва елим қўшиб, ҳақиқий қора тушь ҳосил қилишини кашф қилишди. Маърифатпарвар ўқитувчи Олимжон Зайниддиновдан ота-оналар беҳад миннатдор.

Салим АЗИМОВ, журналист

ФАН ВА ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ

Mulohaza

Ҳозирги кунда ҳуқуқий, демократик жамиятнинг пойдеворларидан ҳисобланган илму фанни ривожлантириш, илм аҳллари ўртасида ҳамкорликни юқори асосда шакллантириш тақозо қилинмоқда. Агар бир фан ютуғи иккинчи бир соҳада яхши натижаларга эришишга ундамас экан, у пайтда юксак тараққи-ётга-таълим тизимида баркамолликка эришишимиз қийин бўлади. Чунки бу ишни пайсалга солсак, у пайтда таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлашдек муҳим вазифани бажара олмаймиз.

Илму фан ривожи жамият аъзоларининг маънавий дунёсини бойитишга, уларнинг дунёқарашини, аҳлоқини шакллантириши ва ривожлантиришга объектив шароит яратади ва келажак истиқболи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Буюк мутафаккир Бедил таъкидлаганидек, агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади. Бу фикрдан кўриниб турибдики, жамият ижтимоий ҳаётидаги барча муаммолар ечими маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук кишиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Дарҳақиқат, интеллектуал салоҳиятни ҳаётда, иқтисодда мужассамлаштириш мустақилликка эришган давлатимизнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этишлигини ҳеч ким инкор қилмаса керак. Зероки, бизнинг академияларимиз, олий ва ўрта махсус ўқув юртларимиз илмий салоҳияти бизнинг келажакка катта умид билан қарашимизга имкон беради.

Республикамиз биолог олимлари томонидан ишлаб чиқилган пахтанинг генетик коллекцияси, эҳтимоллар назарияси, математик статистика соҳалари бўйича олимларимиз эришган ютуқларни жаҳон фани тан олганлиги сир эмас. Демак бизда, юртбошимиз таъкидлаганидек, яна бир хазина бор, бу -мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш авлодларимиздан мерос бўлиб қолган. Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу энг аввало, мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ эканлиги аён бўлади. Давлатимизнинг тараққиёт стратегиясини инобатга олиб, илму фан олдига аниқ давлат буюртмаси қўйилади.

Назаримда, фан-техника давлат кўмитаси томонидан фаннинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилганлигини бу соҳадаги ишларнинг дебочаси деб айтиш мумкин. Булар қуйидаги йўналишлардир: маънавият ва маърифат билан боғлиқ муаммолар, агросаноат комплекси, энергетика билан алоқадор масалалар, халқ саломатлигини сақлаш ва уни муҳофаза қилиш билан алоқадор дастур, фундаментал ва амалий тадқиқотлар-изланишлар тизимининг яратилиши.

Бунда энг аввало соҳани ўрганиш, тадқиқот ўтказиш, илмий изланиш олиб бориладиган объектни ва предметни аниқлаш, таҳлил қилиш муҳимдир.

Фаннинг энг муҳим вазифалари сирасига истиқлол кишисиниг аҳлоқий, маданий-маънавий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва ишонч билан қараш ҳиссини уйғотиш ҳам киради. Фанлар, хусусан, гуманитар, табиий фанлар инсон шахсига таъсир кўрсатар экан, энг аввало, унинг ахлоқий -маънавий негизини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ерда энг аввало, ҳар бир изланувчида ҳақиқатни ичичидан чуқур ҳурмат қилиш ва эъзозлашни тарбиялаш алоҳида таъкидланиши керак. Ҳақиқатга эришиш ва уни эгаллаш, қарор топтириш учун курашиш тадқиқотнинг асосий шакли ва мазмунини белгилайди. Олимнинг фаолияти пировард натижада ўзи эришган ютуқларга, олинган натижаларга бўлган муносабати билан белгиланмайди. Илмий изланиш ва тадқиқотларни ўтказиш, уларни ташкил этиш йўлларини такомиллаштиришнинг ўзи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ҳақиқатни излаш, топиш, аниқлаш жараёни каби ўта муҳим вазифани ҳал қилиш учун тобора кўп сонли олим-тадқиқотчиларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо қилади, пировардида жамоавий ижод шаклининг шаклланишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси мавжуд фанлар соҳасидаги кучларни бирлашишини мамлакатимиздаги илмий потенциални ривожлантиришни талаб этади. Шу билан бирга ҳозирги кунларда мамлакатимиз ҳаётида истиқлол туфайли содир бўлаётган ўзгаришларнинг бутун тафсилотини тўғри англаш ва аниқлаш учун ҳар бир фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимда назарий тафаккурни ҳосил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, кишиларда фикрий фаолликни пайдо қилиш, уларни яшашга чорлашга одатланишимиз керак. Зероки, фикр, тафаккур интеллектуал салоҳиятнинг асосий яшаш омилидир, унинг таъмал тошидир.

Ўткир ҲАЙДАРОВ, ТошДУ қошидаги олий педагогика институти профессори, фалсафа фанлари доктори

ОЛТИ ЁШЛИЛАР МАКТАБГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАЯПТИ?

(Боши 1-бетда)

Келгуси йил туман халқ таълими бўлими кенгашида болаларнинг мактабдаги таълимга тайёргарлик даражасини аниқлаш, ташҳис натижалари муҳокама қилинади.

Ушбу тарзда 1999-2000 ўқув йилида 1-синфга чиқадиган 6 ва 7 ёшли болалар бўлим мутахассислари диққат-эътиборида бўлиб, бирортаси ҳам назоратдан четда қолмайди. 1-синфга қабул қилинмай қолган 6 ёшли болаларнинг ота-оналарига маслаҳатим: ўзингиз яшаётган туман педагогик-психологик ташхис марказига қайта бориб, уларнинг маҳаллий шароитга мосланган тавсияларини олган ҳолда, болангизни мактабга тайёрланг, ишончим комилки, шунда бола ҳам саломатлигини тиклаб олади, ҳам ўқишга пухта тайёргарлик кўриб келади.

Anjuman

Оламдан ўтган закий, умумхалқ манфаати ҳақида қайғурувчи кишиларни ёдга олмоқ, тириклар олдидаги қарздир. Давр ва муҳит бундай инсонларни саралаб-саралаб кашф қилади. Биз уларни бир сўз билан «юлдузлар» деб атаймиз.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида қўҳна Туркистон осмонида чақноқ «юлдуз» каби ялт этган шундай

МАЪРИФАТ ШУЪЛАСИ

сиймолардан бири Абдулла Авлоний эди...

Ўтган куни Тошкент Давлат дорилфунунининг кичик залига йиғилган адабиётшунос олимлар ана шу зотни чексиз ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олдилар.

- Маърифатпарварлик, тарбияшунослик Авлоний ижодидаги энг муҳим қирралар эди, - деди йиғинни оча туриб адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев.

- Тубанлик ва залолатни у маърифат нури ила ёритишни истарди. Ул зотнинг бизга қолдирган йирик педагогик мероси - «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»нинг ҳар бир сўзидан маъно жавоҳирлари ёғилади...

ТошДУ профессори Бегали Қосимов «Абдулла Авлоний - узбек миллий уйғониш адабиётининг забардаст вакили» мавзуси устида мулоҳаза юритди.

Авлоний ижодининг қайси бир жиҳатига ёндошманг, илм-маърифатни тарғиб этганига гувоҳ бўласиз. Доцент Улуғбек Долимов «Авлоний - янги ўзбек мактаби ғоясининг назариётчи ва амалиётчиларидан бири» мавзусига ёндашар экан, машҳур педагогнинг тарбияшунослик бобидаги қарашларини шарҳлаб берди. ТошДУ доценти М.Қодиров «Авлоний ва ХХ аср боши ўзбек адабий тили» тадқиқотчи Ҳ.Азимова «Авлонийнинг драматик маҳорати» мавзулари юзасидан чиқишлар қилишди.

Адабий анжуманга Абдулла Авлонийнинг қизи Ҳакима опа, невараси Туйғуной опалар таклиф этилган эди. Улар ўз падари-бузрукворлари ҳақидаги тиниқ хотираларини тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб беришди.

Анжуман сўнгида ТошДУ талабалари адиб ва педагогнинг асарларидан бадиий лавҳалар намойиш этишди.

Хулкар ТЎЙМАНОВА

Xulosa

ОТА-ОНА ВА МАКТАБ— ДАРЁНИНГ ИККИ ҚИРҒОҒИ

ёхуд ўқувчининг ушбу икки қирғоқ орасида кечадиган умри мазмуни хусусида

Мен бугун ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимни эслаб тааж-жубга тушдим. Қулимда биринчи синфлигимиздан то сўнгги – ўнинчини тугатган пайтимизгача юритилган синф журналлари. Узимча: «Эй, мактабни тугатганимизга ҳам 15 йилдан ошиб кетибди, қани кўрайчи ёшлигимизда ким, қандай ўқиган экан?» дея ўқитувчиларимиз томонидан қўйилган баҳоларга эътибор қилдим. Албатта, баҳоларни кузатиш жараёнида яхши ва ёмон ўқиган синфдошларимнинг айни паллада ҳаётдаги ўрнини қай даражада эгаллаганлигини ҳам хаёлимдан қочирмадим. ... Демак, Ашуралиев Шавкат (Исм ва фамилиялар ўзгартирилди)! Бу синфдошим биринчи синфдалигимизда фақат «5» ва «4» баҳога ўқиган. Иккинчи синфга ўтгач, баҳолари орасида «5» лар миқдори янада кўпайган. Учинчи синфда эса бор-йўғи ўн уч бор «4» олган, қолган ҳаммаси «5»! Тўртинчи синфда «4» лари нисбатан кўпайган, ҳаттоки, баъзан-баъзан «3» ҳам олган. Олти, етти, саккизинчи синфларга келиб деярли барча фанлардан фақат «4», «3» ва «2» баҳоларни олган. Саккизинчини томомлагач, фанларни узлаштира олмаганлиги, қониқарсиз ҳулқи учун мактабимиздан туман марказидаги ҳунар-техника билим юртига мажбуран ўтказиб юборилган.

Биз ўқиган пайтларда ёмон ўқувчиларни VIII синфдан сўнг ҳунар-техника даргоҳларига мажбурлаб ҳайдашар эди. Шунинг учун пастки синфларда танбаллик қилган ўқувчилар ҳам саккизинчига ўтгач бир оз ҳаракатга тушар, ўқитувчилар билан нисбатан пухтароқ алоқа қилишга киришарди. Вақти келганда, ота-оналар ҳам мактабимизга зув-зув қатнарди... Собиқ синфдошларимдан Жўраев Нурхон ҳамда Шокиров Халилнинг журналлардаги баҳоларини кузатиб, ҳайратим янада ошди. Негаки, улар бошланғич синфларда, яъни I,II,III ва IV, V синфларда «4» ва «3»га ўқиган. Олтинчи синфдан бошлаб «5» баҳолари кўрина бошлаган. VII, VIII, IX, X синфларда онда-сонда «3» олган. Қолган баҳоларининг ҳаммаси «5» ва «4»дан иборат. Яна бир синфдошимиз – Узоқов Шоҳруҳ, биринчидан саккинчи синфга қадар аксарият фанлардан «3» ва «2» олган. Ўзбек тили ва адабиёт , жисмоний тарбия ва меҳнат дарсларидан фақат «5» ва «4» баҳоларга ўқиган.

Келинг, энди баъзи бир синфдошларим мисолида кўриб чиқилган ушбу факт ва рақамлар атрофида бир оз эркинроқ фикр юритайлик. Хўш, бошланғич синфда туппа-тузук ўқиб келган Ашуралиев Шавкат нима учун кейинчалик қолоқ ўқувчилар сафига тушиб қолди? Айб кимда? Бу борада унинг ота-онасидан кўпроқ хато ўтдими ёки ўқитувчилардан? Биринчи синфдан бешинчи, олтинчи синфга боргунча ўртамиёна ўқиган Жўраев Нурхон билан Шокиров Халил нима сабабдан улғайган сайин «аъло» баҳоларга ўқий бошлади. Ўзбек тили, адабиёт, жимоний тарбия ва меҳнатдан «5», «4» баҳоларга ўзлаштирган Узоқов Шоҳруҳ нима учун бошқа фанлардан ўзлаштира олмаган? Масаланинг моҳияти қаерда ва у нима билан боғлиқ?

Одатда икки, уч ёшли ўғил фақат қўрганларига тақлид қилиши баробарида аста-секинлик билан инсоний онгта эга бўлиб боради. Тўрт, беш ёшида эса эсини, ўзини таний бошлайди. Рангтусни, катта-кичикни, яхши ва ёмонни шартли равишда фарқлай олади. Мактабга қадам қўйгач, мустақил фикрлашга ўрганади. Ўқиш, ёзиш, кўчада юриш, кийиниш, уйдаги майда-чуйда юмушларни бажариш масаласида, ота-она ва ўқитувчи ўргатганидан ташқари ўзи ҳам фикр юритиб, ҳаракат қила бошлайди. Худди мана шу вазиятда унга ҳар томонлама тарбия бериш лозим (Статистика маълумотларига қараганда 7, 8 ёшдаги боланинг мияси 45 ёшли олимнинг миясидан 130-140 бор тез ишлайди. Балки шунинг учун ҳам бола 6-7 ёшидан бошлаб мактабга қабул қилинар).

Олти, етти ёшига қадар уй ва боғча ҳовлисидан кўчага чиқмаган гўдак «луп» этиб мактаб партасига ўтиргач, бегона муҳит таъсирида эсанкираб қолади. Яхши гап, атроф-муҳитнинг амалдаги ижобийлиги унинг келажакда комил шахс бўлишига турткі беради. Гўдакнинг соф қалби ҳар бир воқеликни ўзидай қабул қилади. Бола айнан шу ёшда нимани кўп кўрса, уша нарсага нисбатан қизиқиши ортиб боради. Ҳар куни дарс қилишга ўрганса, бу воқелик унинг доимий эҳтиёжига айланиб боради. У яхши ва ёмон ҳодисалар натижасини англай олмаган пайтларда кўпроқ атрофдагиларга, катталарга таянади. Худди мана шу ўринда ота-она ва ўқитувчи болага нисбатан жудаям сергак туриши шарт. Бола кўчада муштлашаётганларни, чекаётганларни ҳар куни кўравергач, демак, одамзод ҳар куни муштлашиши, чекиши лозим экан дея ўйлайди. Шу ўринда ўзини ҳам синаб кўриши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бас, шундай экан, бошланғич синф ўқувчилари жудаям ўзгарувчан ёшдаги ўқувчилар ҳисобланади. Бўладиган бола мана шу ёшда ўзини кўрсата бошлайди.

Менимча, синфдошим Ашуралиев Шавкат айнан бошлан-ғич тарбия жараёнида ва ундан кейин етарли даражада ота-она ва ўқитувчи тарбиясини ололмаган. Кўрганига қизиқиш билан қараган, қизиққанига тақлид қилган. Яхшилардан кўра хулқсизларнинг таъсирида кўпроқ бўлган. У тўртинчи, бешинчи синфдалигида сумкасида сигарета қолдиқларини олиб юрганлиги ҳам фикримни тўла исботлайди. Аслида ота билан она — денгизнинг битта қирғоғи бўлса, устоз-ўқитувчи иккинчи қирғоғи ҳисобланади. Ўқувчи мана шу икки қирғоқ орасида гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бориб келадиган қайиққа ўхшайди. У ота-она тарбияси билан нариги қирғоққача етиб бориши, ўқитувчи таълими билан эса бу қирғоққа қайтиб келиши шарт. Бундан шундай хулоса чиқариш лозимки, ота-она билан ўқитувчи ўртасида доимий алоқа бўлиши керак. Ўқитувчининг бола оиласидаги муҳитдан, ота-онанинг мактабдаги шарт-шароитдан ўз вақтида огоҳ бўлиши айни муддаодир. Афсуски, Шавкат дўстимиз мисолида гапирганимизда, мактаб ва унинг ота-онасининг фаолияти хусусида ижобий фикрларни билдира олмаймиз. Ўқитувчимиз учинчи синфгача дуруст ўқиб келган боланинг кутилмаганда «айниб» қолганидан ташвишланиши, унинг оиласи билан бамаслаҳат иш кўриши лозим эди. Ота-она эса айнан шу жараён-да фарзандининг тарбиясига янада жиддийроқ қараганда масала тобора оғирлашиб, дўстимиз мактабдан қувилмасди ҳам.

Ҳозир Шавкат дўстим икки фарзанднинг отаси. Далада кетмон чопиб, Тошкент мардикор бозорига ишга келиб тирикчилик қилади. Баъзан жиддий суҳбатлашиб қолсак: «Эҳ, вақтида ўқимаганмиз, жўра. Ҳар йили ота-онам Қрим, Кавказ, Ялтага қараб дам олишга кетарди. Мен 12-13 ёшимда ҳам тўйма-тўй дайдиб юрардим, тўғри келса ичишдан ҳам қайтмасдим. Айб ўзимизда...» дейди. ... Тўғри айтасиз, дўстим! Ўзингиздан ҳам хатолик ўтган. Ота-она ва ўқитувчиларингиз ҳам сизнинг олдингизда худди сизчалик қарзга ботган. Вақти келса тақдир, пешона дея хитоб қиламиз, нолиймиз. Бироқ тақдирни ҳам ўз қўлимиз билан яратганлигимизни тан олгимиз келмайди.

Муҳтарам газетхон, сиз синфдошларимдан Жўраев Нурхон билан Шокиров Халилнинг биринчи синфдан тўртинчига қадар ўртамиёна ўқиб, охир-оқибат мактабни «яхши» ва «аъло» баҳоларга тугатганлигини қандай изоҳлайсиз, билмадим-у, бироқ ушбу дўстларим тўғрисида мен ҳарҳолда сиздан кўра бошқачароқ фикрда бўлсам керак, деб ўйлайман. Биз тўртинчи синфга ўтганимизда эндигина Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факультетини битириб келган янги ва ёш синф раҳбарига эга бўлдик. Исми-шарифи Эркин Алимов! У киши қолоқларни дарсдан сўнг олиб қолар, математик ҳисоб-китобни тинимсиз ўргатарди. Нурхон билан бир қишлоқда яшаганлиги учун гоҳида сумкасини ундан бериб юборарди. Албатта, ўқитувчининг сумкасини кўтариб юриш ўқувчига катта масъулият юклайди. Нурхон уша масъулиятни вақтида сеза билган. Синф раҳбаримизнинг ишончини оқлаш учун ўқиш, ёзишни ҳам ихтиёрий равишда ўзгартиришга жўръат топа билган. Шунингдек, Нурхоннинг бўйи нисбатан баландроқ бўлганлиги учун синфимиз футбол командасида дарвозабон эди. Янги келган раҳбар футболга уч экан, Нурхонни ҳамиша мақтар ва баъзи бир имтиёзларни яратиб берарди. Шу-шу Нурхон Жўраевнинг ўқишларида олдинга қараб сакраш юз берди. Эс-ҳуши, ақли, иродаси мустаҳкам шаклланиш баробарида синфимиздаги яхши ўқувчилар билан қалин дўстлашиб кетди. Мана шу дўстлик ҳам унинг узлаштиришига ижобий таъсир қилди. Халил ҳам худди у сингари Эркин Алимов қўлида таълимга ёлчиди, десам хато қилмайман. Унинг қайсидир жиҳати синф раҳбаримизга маъқул тушган эди. Алимов ундан ҳар куни дарс сўрар, «аъло»га жавоб берса, нима биландир рағбатлантирарди. Халил ҳам ўқитувчининг мана шу эътиборидан ўз вақтида аниқ хулоса чиқара билди.

Менга қолса «Нурхон Жўраев билан Халил Шокиров нима

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 269-«Камолот» боғча-мактаб мажмуасида кичкинтойлар хотирасида сақланиб қоладиган эрталик бўлиб ўтди. Мажмуанинг тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари мактаб ўқувчилигига йўлланма олдилар. Мазкур ёш ниҳоллар гулшанида нуридийдаларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун пухта замин ҳозирланган. Ўқувчиларнинг чўқур, атрофлича билим олишлари учун илм масканларидан тажрибали ўқитувчилар жалб этилган.

Тантанада туман «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлим раҳбари Дилбар Алимжонова ўқувчиликка йўлланма олган дилбандларни табриклаб, уларга эсдалик совғалари топширди.

Суратларда: мажмуада ўтказилган байрам эрталигидан лавҳалар акс эттирилган.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар

ФРАНЦИЯДА ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Коллежни тугатган ўқувчилар касб-ҳунар лицейида ёки «умумлаштирувчи ва технологик таълим» лицейларида ўқишни давом эттиришни танлаш имкониятига эга бўлишади.

«Касб-ҳунар» лицейларида ўқиш муддати уч йил бўлиб, бу лицейлардан асосан ишчилар ва сотувчилар етишиб чиқади. Бундай лицейларни тугатган ўқувчиларга «Касб-ҳунарга қобилиятлилик» гувоҳномаси берилади.

«Умумлаштирувчи ва технологик таълим» лицейлари ўқувчилари эса, университетларга ёки бошқа олий таълим мактабларига киришга тайёрланишади. Ўқувчилар олий таълим мактабларига кириш учун лицейдаги ўқишлари сўнгида бакалавриат имтиҳонларини топширишлари керак бўлади. Бакалавриат имтиҳонлари А, В, С, яъни уч хил тоифага бўлинади: А - фалсафа ва филология фанлари бўйича, В - иқтисодий ва ижтимоий фанлари бўйича ва ниҳоят, С - математика ва тиббий фанлар бўйича. Бакалавриат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра, олий таълим мактабларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Олий таълим «Технологик таълим университетлари», «Умумлаштирилган олий таълим университетлари» (икки йиллик), «Олий тиббий таълим университетлари» ва бошқа олий ўқув даргоҳларида берилади. Булардан ташқари, яна бошқа олий таълим мактаблари ҳам борки, уларга кириш учун бакалаврлик имтиҳонларини топширганликнинг ўзи кифоя қилмайди ва номзодлар яна бошқа имтиҳонлардан ўтишлари керак бўлади. Бундай муассасалар «Катта мактаблар» деб аталиб, мамлакатга ўта юқори малакали ходимлар етказиб беради. Бу мактаблардан кейин хоҳловчилар илмий изланиш институтларида ёхуд академияларда фаолият юритишлари мумкин.

Мана, Франциядаги таълим босқичлари узра бир кўз югуртириб ҳам чиқлик. Энди таъбир жоиз бўлса, бир чекиниш қилиб, баъзи қизиқарли маълумотларга тўхталсак.

Франция ўқув йили 15 сентябрдан (ўрта таълим босқичларида) ёки 1 октябрдан (олий таълим муассасаларида) бошланади. Ўқувчилар мактабларга дастлаб биздагидек 1-синфдан эмас, аксинча, 2-синфга келишади. Француз ўқувчиларининг билимлари 20 балли системада баҳоланади, 10 баллдан паст баҳо олганлар ўзлаштириши «қониқарсиз» ҳисобланади.

Таълим муассасаларининг 20 фоизи хусусий бўлган бу мамлакатнинг Конституциявий Кенгаши ҳақиқий «Таълим эркинлиги»ни таъминлаш учун 1984 йил 29 декабрда қабул қилинган қарорида хусусий мактабларга давлат томонидан ёрдам бериб турилиши керак, деб топади.

Яна бир маълумот. Услубиётчи олим Ф.Мейрио илгари сурган «касб-ҳунар» лицейларида кенг ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари француз матбуотида кенг ёритилмоқда ва бу таклифлар Ўқувчиларнинг Ота-оналари Уюшмаси, Ўқитувчилар касаба Уюшмаси ва Миллий таълим вазирлиги ходимлари ўртасида қизғин музокараларга сабаб бўлмоқда. Бу эса Францияда ҳам таълим ислоҳотларининг янги босқичи бошланиши муқаррар эканлигидан далолат бермоқда.

Франция оммавий-ахборот воситалари маълумотлари асосида Шухрат ЙИГИТАЛИЕВ тайёрлади

Sulola

«ТИЛ»ЧИ ОИЛА

Элликқалъада ўз атрофига 24 нафар ўқитувчини жамлаган оила ҳақида илиқ гаплар айтишади.

Дарҳақиқат, Элликқалъа туманида 75 ёшли фахрий педагог, сулола бошлиги Ражаб Полвоновни етти яшардан етмиш яшаргача-ҳамма танийди ва ҳурмат қилади. У 19 ёшида Ватан ҳимоясига отланиб, урушдан ўнг қўлидан ажралиб қайтади. Жанг майдонида жасорат, мардлик кўрсатганлиги кўксини безаб турган кўплаб орден ва медалларидан маълум.

Маориф соҳасида ҳам матонат кўрсатиб ишлади, десак хато бўлмайди: 55 йиллик педагогик иш стажига эга. Бу, албатта, айтишгагина осон. Қанча шогирдлар устоз қўлида таҳсил олиб, ҳаётга йўл топишди, турли касб эгалари бўлиб етишди. Ҳозирги пайтда улар мустақил Ватан равнақи йўлида виждонан меҳнат қилишяпти.

Шуниси қувончлики, руҳан тетик ва бардам, тажрибали устоз ҳамон сафда, Элликқалъа тумани маркази Бўстон шаҳридаги 29-мактабда ёш авлодларга дарс бераяпти. Айтиш мумкинки, кекса маорифчи, толмас, шижоатли инсон Ражаб ака ёшларга ҳаёт сабоқларини ўргатяпти. Бинобарин, унинг ҳаёт сўқмоқларига назар ташласак, ибрат бўларлик томонлари кўп. 3 та ўғил ва 8 та қизнинг отаси бўлган бу 75 ёшли табаррук инсоннинг ҳозирги пайтда 75 нафар невара-чевараси бор экан. 8 қизининг ҳаммаси ўқитувчи, уч ўглидан бири ўқитувчи. (Қолган 2 таси юрист). Невараларидан 5 таси, чевараларидан 6 таси, куёвларидан 4 таси ўқитувчи бўлиб ишлаяпти. Мабодо, Р.Полвоновнинг невараларидан сўраб қолгудек бўлсангиз, «Мен ҳам муаллим» бўламан» деб жавоб қайтаришади.

Яна бир гап. Ражаб ака Полвонов қардош туркман миллатига мансуб, аммо ёшлигидан ўзбек тилига меҳр қўйди, ўз она тилидек севди. Шу меҳр-муҳаббатини ўз фарзандларига ҳам юқтирди. Ўзи каби ўқитувчи бўлиб етишган барча қизлари ва ўғли, 4 нафар невараси ҳам ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беришади.

Фидойи муаллим Ражаб ака Полвоновнинг халқ таълими соҳасида эришган ютуқлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланган... Қисқаси, Узбекистонда ҳизмат кўрсатган ўқитувчи, Қорақалпоғистон халқ маорифи аълочиси, катта оила бошлиги Ражаб ака Полвоновга эзгу ишлари йўлида «Асло, чарчаманг!» деймиз.

Гойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз

Milliy dastur — amalda!

МИРИШКОРНИНГ ИЛҒОР МАКТАБИ

Усмон Юсупов туманининг Миришкор қишлоғида жойлашган С.Раҳимов номли 1-ўрта мактабда айни кунда 1366 нафар ўқувчи таҳсил олаётир. Ушбу илм масканида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб остонасини ҳатлаб ўтишим ҳамоно мусаффо чўл осмони остида, қалдирғоч болалари мисол тизилишиб, турли-туман машқлар бажаришаётган бири-биридан ширин, жажжи биринчи синф ўқувчиларига дуч келдим.

Беихтиёр беғубор болалик онларим хаёлимда тикланди... Биргина дақиқа бўлса-да, ширин хаёллар оғушида дам олгандай бўлдим. Эҳ, болалик йиллари... Софлигу поклик, топқирлиғу кузатувчанлик йиллари...

— Исмингни айт? — дейман ширингина бир болага.

— Исмим Озод! — деди у. Яна сўрайман:

— Озоджон, сен қаерда яшайсан?

— Узбекистонда! — деди у. Беихтиёр руҳланиб кетаман. Ҳа, у мустақил Узбекистонга тенгдош бола. У мустақил юрт билан баробар туғилди, баробар усаяпти. У Узбекистонда, Узбекистон эса унинг кўксида-тиним билмай турган жажжи юракчасида яшайди. Унинг табаррук Ўзбекистони чўллар қаърида чирой очаётган ана шу Миришкор қишлоғидан бошланади...

Хона ва залларни, теварак атрофни кўздан кечирамиз. Ҳамма-ҳамма жойда озодалик ва орасталик, юртга меҳр-муҳаббат бўртиб турибди.

Мактабда 54 та синф бўлиб, уларнинг 25 тасини бошланғич синфлар ташкил этади. Жорий ўқув йилида 8 та биринчи синфга 188 нафар жажжи кичкинтой қабул қилинди. Буларнинг барчаси ўқув йили бошидаёқ юртбошимиз Ислом Каримовнинг алоҳида совға-саломларини, бепул дарсликларни олишди.

КОМПЬЮТЕР БАҲОЛАЙДИ

Ўқувчиларимиз ўзлаштираётган илм ва малакаларнинг жаҳон андозаларига мос келиши ёки келмаслиги ҳам улардаги компьютер саводхонлигининг қай даражадалигига жуда-жуда боғлиқ. Аслидаям, У. Юсупов туманидаги мактабларда компьютер таълими яхши йўлга қўйилган. Туманда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган.

С. Раҳимов номли мактаб ўқувчиларга фан асосларини компьютер таълими асосида ўргатиш борасида услубий марказ ҳисобланади. Илм масканида ташкил этилган ЭҲМ бўйича назариёт ва амалиёт хоналари замон талабларига мос тарзда жиҳозланган. Ўқувчилар шу соҳа мутахассислари Жамол Бердиев ва Муҳаббат Абдиевалар раҳбарлигида «Правец — 8» аппаратида етарлича «иккинчи савод» олмоқдалар. Имтиҳон саволлари ҳам компьютерларга тўпирилаётир. Мактабда «Ёш компьютерчи» тўгараги мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Мактаб ўқувчилари ушбу соҳа бўйича ҳам туман ва вилоят фан олимпиадаларида қатнашмоқдалар.

ҲОМИЙЛАРГА РАҲМАТ!

Ўқув маскани бу йил олдинги йиллардагидан ҳам сифатлироқ таъмирланди. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими раҳбарлигида тумандаги мавжуд барча мактаб, болалар боғчаларига доимий ҳомий ташкилот ва корхоналар биркитиб қўйилган. С. Раҳимов номли мактабнинг асосий ҳомийси ҳисобланмиш туман машина ва техникаларни таъмирлаш корхонаси /бошлиғи М. Бегалиев/ бу йил мактабни таъмирлаш ишларига бир миллион сўмдан ошиқроқ маблағ ажратди. Ҳамма хоналар муаллимлар қўли билан сифатли таъмирдан чиқарилди. Иситиш тармоқлари тўлиқ қайта таъмирланди.

Мактабда таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш ишида ҳам бир қатор идора ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу хайрли ишга тумандаги машина ва техникаларни таъмирлаш корхонаси 30 минг сўм, туман ХТБ касаба уюшмаси ҳам 30 минг сўм, савдо ҳиссадорлик жамияти ва меҳнат биржаси жамоалари эса 10 минг сўмдан ёрдам кўрсатдилар.

РАҲБАРЛАР ТАЛАБЧАН, МУАЛЛИМЛАР ФИДОЙИ

Мактабда 100 нафарга яқин муаллим меҳнат қилаётир. Тан олиш керакки, кейинги йиллар ичида мактабда таълим-тарбия ишида жиддий бурилишлар ясалди. Якунланган ўқув йилида туман халқ таълими бўлими олиб борган диагностик таҳлил натижаларига кўра, С. Раҳимов номли мактаб жамоаси туман мактаблари орасида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Биз мактабда бўлган кунимизда мактаб директори Қоржов Рустамов билан ҳам атрофлича суҳбатлашдик. Қоржов Рустамовнинг сочлари таълим иши йўлида оқарди, у бу борада катта ҳаётий тажрибага эга. Қоржов аканинг оиласини муаллимлар оиласи деб аташ мумкин. Умр йўлдоши Қурбонгул опа Соадатова тажрибали муаллима. Фарзандларининг 3 нафари муаллимлик касбини эгаллашди...

Эришаётган ютуқларимизда, — деди мактаб директори биз билан бўлган суҳбат жараёнида — Азим Ниёзов, Норгул Ҳамроева, Хадича Бўриева, Мукаррам Жамилова, Гулсанам Ҳамроева, Омон Турақулов, Муқаддам Эгамқулова, Акбарали Султонов, Шоназар Ҳайитов, Бозор Жумаев, Шермамат Очилов, Тўра Қораев каби фидойи устозларимизнинг хизматлари бениҳоя каттадир... Дарҳақиқат, мактаб нафақат туманда, балки вилоят миқёсида ҳам танилиб бормоқда.

Абдували ОБИДДИН, ўз мухбиримиз

МЕРОСГА МУҲАББАТ

Тошкент Давлат авиация институтида «Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси ҳамда ҳозирги замон» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт проректори Х. Ҳуснутдинова бошқарди. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси, таниқли шарқшунос олим У. Уватовнинг «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий — ҳадис илмининг султони» мавзуидаги маърузаси буюк муҳаддиснинг ҳаёти, фаолияти хусусида бўлди ва тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Ф. Бадаловнинг «Аҳмад ал-Фарғонийнинг жаҳон математика фанига қўшган ҳиссаси», Узбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг директори Ш. Эгамбердиевнинг «Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фанидаги ўрни», тарих фанлари доктори, профессор Э. Холиқовнинг «Имом ал-Бухорий ҳадислари — тарбия манбаи» мавзуидаги чиқишлари ҳам талабаларда буюк аждодларимиз меросига катта ҳурмат уйғотди.

Анжуман сўнгида институтнинг бир гуруҳ талабалари Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислардан намуналар ўқиб беришди.

Улуғбек ҚУРБОНОВ, ТДАИ толиби

учун юқори синфга ўтгач, яхши ўқиб кетди?» деган саволнинг ўрнига «Нурхон билан Халил нима учун бошланғич синфларда «зўр» ўқий олмаган?« деган масалани қўндаланг қўярдим. Жавоби ҳам тайёр: уларнинг иштиёқини бошланғич синфда ҳеч ким уйғота билмаган. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, адабиёт, узбек тили, жисмоний тарбия ва меҳнатдан «5» ва «4» баҳоларга ўқиган Шоҳруҳ Узоқовнинг шуурида ҳам «аъло» ўқишга нисбатан майл бўлган. Аммо унга «ўқи» деган туртки топилмаган. Оиласида энг катта фарзанд бўлганлиги учун эҳтимол ота-она ҳам сал эркалатгандир? Аммо бу ваъж оила шаънини оқламайди, ўқитувчининг айбини енгиллаштирмайди.

Ўқувчилик даврларимизни, синфдошларимни, ўқитувчиларимни ушбу мақола баҳона эслар эканман, фикрларим тўзғиб, кўнглим ёмғирдан кейинги ярақлаган кундек очилиб кетди... ... Юқори синфга ўтавергач, мактабимиз директорининг бизга синфдош бўлган қизини синфимиздаги йигитларнинг тўқсон беш фоизи яхши курганлигини ҳам айтиб ўтгим келди. Уша қиз «аъло»га ўқир эди. Синфком эди. Чиройли, аммо бир оз чапанироқ ҳам эди. Йигитларнинг аксарияти уни пинҳона севиб юришидан ҳам бохабар эди. Кимга қандай муомала қилишни ҳам балодек билар эди. Хуллас, ҳаммаси эди... эди... эди... Бундан тайинли натижа чиқмаслигини билмаса-да, ўқишда қолоқ йигитлар ҳеч кимга ичидагини айтолмасди. Чунки, эндигина балоғатга етаётганлар ўртасидаги демократия шунчалик соф ва аниқ бўладики, «аъло»чини «2»чилар яхши кўриши асло мумкин эмас. Бир шу қизни деб ўғил болалар иложи борича яхши ўқишга, «5», «4» олиб унга яхши кўринишга ҳам ҳаракат қиларди. Узимизча «2», «3» олганларни «сафдан» чиқариб ташлар эдик. Бу воқеаларни ўқитувчиларимиз ҳам биларди. Лекин собиқ совет тузуми ўрта мактабларда севги, муҳаббат тўғрисида гапиришга йўл қўймасди.

Янглишмасам, олтинчи ёки еттинчи синфда ўқирдик. 8 - Март байрами арафасида раҳбаримиз Қаҳрамон Болиев барча ўғил болаларни синфга йиғди-да, байрам муносабати билан ҳар ким ўзи яхши кўриб юрадиган синфдош қизга табрикнома (откритка) ёзишни очиқчасига айтди. Шунда 16 ўғил боланинг 12 нафари ҳалиги синфкомимизга ёзганди. Бундан таажжубга тушган раҳбаримиз қайтадан - 16 ўғил бола номидан 16 қизга ёздирди. Сўнгра хонага қизларни ҳам таклиф қилиб, вазиятни, байрамни, шодликларимизни ётиғи билан тушунтирди. Қизларимиз ҳам табрикномаларни шак-шубҳасиз қабул қилди. (Энди англасам, синф раҳбаримиз МУҲАББАТни МЕҲРга айлантирган экан). Муҳаббат мактабининг биринчи синфи ва биринчи очиқча дарси бизда худди шундай бошланган эди. Шу-шу синфдошлар ўртасида илиқ муомала юзага келди. Қолоқ ўқувчи ҳам, аълочилар ҳам ўзимизга синфдош, дўст эканлигини ҳис эта бошладик. Илгари қизлардан қалам ёки дафтар сўрасак, лабини буриб қочар эди. Шу кундан бошлаб эса ўзида бўлмаса, дугонасиникини олиб берадиган бўлишди.

Мен бу фикрлар, мисоллар билан нима демоқчиман? Мактаб ўқувчисига ҳам бугун «Одобнома» фани таркибида муҳаббатнома сабоғи ўтилиши зарур. Математика, химия, физика, жисмоний тарбиядан «2» олган ўқувчининг муҳаббат сабоғидан «5» олишига ишончим комил. Аммо улар муҳаббат дарсидан ўз билганларини, ҳис қилганларини тортинчоқлик, уялиш сабабидан юзага чиқармаслиги ҳам мумкин. Бу борада ўқитувчининг самимий муомаласи уларни қўллаб-қувватлаши шарт. Қолаверса бу ҳам дунёни, ҳаётни, инсонни ва ўзликни тушунишдир. Шу билан ота-она, ўқитувчи, дўсту қариндош зиммасидаги мажбурият шубҳасиз енгиллашади. Анвар билан Раънони, Кумуш билан Отабекни, Лайли билан Мажнунни ўқиган ўқувчи, улардек бўлишни, севишни, севилишни истайди, албатта.

... Асосий мавзудан бир оз четлашиб кетдик, шекилли... Ҳа майли, буниси ҳам бефойда бўлмади назаримда. Бундан 6 ойча муқаддам икки жиянимнинг бир хонага кириб дарс қилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Каттасидан сўрадим: - Нимадан тайёрлаяпсан? - Биологиядан! - Ўтган ҳафта шу фандан қанақа мавзу ўтдинглар? - Бош мия системасини тамомладик! Унинг қўлидаги китобни олиб, савол бердим: - Хуш, нерв системаси одамга нима учун керак экан? - Фикрлаш, ўйлаш учун керак. - Яна нима учун? У жим бўлиб қолди. Ўзим қўшимча қилдим:

- Қўлдаги қошиқни оғизга олиб бориш, йиртилган кийимни ямаш, кулиш, йиғлаш учун ҳам керак эмасми? - Билмасам... У ўқитувчисининг айтганини такрорлади, холос. Узича фикр юрита олмади. Билганимча тушунтирдим, АҚШлик олимлар бош мияни операция қилиб, унинг ярмини тўхтатиб қўйганлигини, натижада инсон операциядан тургач бир оёғига туфли кийиб, иккинчисига ҳеч нарса киймасдан юриб кетганлигини, россияликлар худди шу операцияни мия қутисини очмасдан электр токи ёрдамида амалга оширганлигини, японлар эса томир орқали дори жўнатиб, электр токига ҳам ҳожат қолмаганлигини айтиб бердим. Жияним таажжубга тушди ва менга саволлар бера бошлади: - Тоға, мияга ток юборилса, нима учун унинг ярми тўхтайди, томирдан дори жўнатганда нега ҳамма жойига таъсир қилмасдан фақат бир томонини ишдан чиқаради?.. Бу саволдан сўнг бироз қувондим-у, лекин кўнглимдан кемтик ҳам пайдо бўлди.

Сабаби, жияним билан қисқагина бўлиб ўтган мунозара менга мактабда биология дарсининг қандай ўтилганлигини ошкора этганди. Агарда ўқитувчи ҳам турлича ҳаётий мисоллардан келтириб, ўз ўқувчисини фикрлашга ундаганда, ёки ота-она фарзандига бир оз кўмак беролганда эди, у бош мия фақат фикрлаш, ўйлаш учун керак, деб ўтирмасди. Албатта, ҳозирги пайтда ва умуман, ўқитувчини айблаб бўлмайдию лекин, эртага фарзандинг, ука-синглинг, жиянларинг ҳаётда ўз ўрнини топа билмаса, уларнинг бошига тушган калтакнинг бир учи сенинг юрагингни ҳам тешиб юборгани ёмон-да...

Мақолам сўнгида шахсан ўзимнинг бошимдан ўтган бир воқеани ҳам айтиб ўтай — кетма-кет 3 йил ТошДУнинг остонасидан қайтгандим. Тўртинчи уринишда омадим чопди. Аммо биринчи, иккинчи, учинчи курсдалигимда рус тили ва рус адабиётини ўргангунимча она сутим оғзимга келди. Негаки, ўрта мактабнинг 9 - 10 – синфида ўқиган пайт-ларим рус тили ва адабиётидан дарс берадиган ўқитувчимиз мендан аразлаб, лоақал бир соат ҳам дарс сўрамасдан, «4» баҳо қўйиб келаверди. Имтиҳон ва йиллик баҳога келганда — Ўқишга борасанми? - деб сўради. — Ҳа, дедим. Оо-ла! - дея «5»ларни босганди. Бунинг азобини кейин тортдим. Мактабни битирганимизга 15 йилдан ошди, деб юқорида айттандим. Бу вақт мобайнида биз томонлардаги мактабларда жиддий узгариш бўлгандир-ов, дея ўйлаб юрардим шу пайттача. Шу йил ўзим келган томондан 7 абитуриентни учратдим, кузатдим. Ҳаммаси «йиқилиб» кетди. Демак... Шавкатлар, Шоҳруҳлар, Пардабойлар ҳалиям мактабларда бор экан-да... Ачинарлиси, бу дўстларимнинг ҳар бирида ҳозир икки, учтадан фарзанд усяяпти. Ўқитувчи берган сабоқни улар уйда фарзандларига такрор тушунтириб беролмас деб ташвишланаман. Бунинг оқибати эса ҳаммага маълум. Ҳа, майли, шу дунёга келганимизга шукр. Мен биламан ва билганим учун умид билан яшайман. Бир куни бутун ҳаётимда ўзгариш бўлиши тайин. Муҳими, бир оз кеч бўлса-да, синфимиздаги айрим воқеаларни тушуниб етдим. Тангрининг каромати билан шуниси яхши иш бўлди.

Нормурод МУСОМОВ, журналист

ЧИМКЕНТДА БАЙРАМ

Жанубий Қозоғистон вилоятида бугунги кунда 300 мингдан зиёд ўзбек миллатига мансуб кишилар истиқомат қилади. Бу ерда ўзбек халқининг тили, маданияти, санъати, урф-одатларини ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда.

Вилоятда ўзбек маданият маркази, бир неча ўрта мактаблар фаолият юритмоқда. Ўзбек тилида «Жанубий Қозоғистон» рўзномаси чоп этилиб, вилоят радиоси ва телевидениесида махсус хабарлар, кўрсатувлар мавжуд.

Мана бир неча йилдирки, вилоятда «Ўзбек тили ва маданияти» байрами кенг миқёсда нишонланаётир. Бу байрамда ўзбек тили тарғиб қилинибгина қолмай, балки ўзбек халқининг асрлар давомида тўпланган маданияти, халқ оғзаки ижодиёти, санъати, миллий урф-одатларидан намуналар ҳам намойиш этилади. Ҳар йили ушбу байрам Чимкент шаҳри марказидаги Абай номли истироҳат боғида ўтказилади. Бу гал ҳам карнай ва сурнайларнинг байрамона оҳанглари эрта тонгдан боғ узра янграб, бу ерда чевар қизларнинг ишлари, миллий ҳунармандчиликка оид ҳамда китоблар кўргазмалари ташкил этилди.

Байрамда вилоят ҳокими Халиқ Абдуллаев нутқ сўзлади ва байрамга ташриф буюришган ёш келинкуёвларга эзгу ниятларини билдирди. Бу тадбирда иштирок этган Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Раҳмонберди Абдукаримов ҳам ўз сўзида ана шундай гўзал байрамни ташкил қилгани учун қозоғистонлик биродарларга миннатдорчилик изҳор этди.

«Ўзбек тили ва маданияти» байрами қош қорайгунча давом этиб, унда бадиий ҳаваскорлар, хонандалар, раққосалар ўз санъатларини, дорбозлар эса ижро маҳоратларини намойиш этдилар.

Абдусаттор ТОШИМБЕТОВ

Гўзалликдан сабоқ берар гул

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

Коперник: — Бу гапингиз, албатта, ҳазил. Шу билан бирга оламдан ўтиш фақат сизларга эмас, менга ҳам тегишли экан: Эйнштейн тўғилиши учун менинг ўтиб кетишим керак экан-да. Олимлар тўғилади ва вафот этади, лекин улар ғоялари бир занжирнинг кетма-кет халқалари сингари уланиб бораверади. Масалан, кечаги мажлисда айтилишича, геолиоцентризм ҳақида Беруний ҳам ўзининг ижобий муносабатини билдирган экан.

Мен Беруний асарларида Ер Қуёш атрофида, деган фикрни учратган эмасман. Лекин, ал-Фарғоний билан Берунийнинг илмий ғоялари гелиоцентризмга ўтишда маълум маънода кўприк вазифасини бажарган, дейилса хато бўлмайди. Берунийнинг айтишича, юқоридан пастга тушириб юборилган жисм шарққа томон силжиб тушади. Бу ажойиб илмий фикрни орада қўплаб асрлар ўтгач, масса динамикаси яратилганидан кейин Ньютоннинг классик механикаси тўла тасдиқлаб берди. Ер ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа бир кеча-кундузда айланиши ҳақидаги фикр гелиоцентризмнинг дебоча омили эканлигини Беруний олдиндан айтиб берган экан, худди шунга ўхшаб Ал-Фарғоний Птолемейда йўқ бўлган нимаики илмий фикрлари айтган бўлса, бари геоцентризмга қараганда гелиоцентризмга оид эканлиги энди маълум бўляпти.

Птолемей: — У вақтларда олам саккиз қават осмондан: Қуёш, Ой, бешта сайёра — Утуруд, Зуҳра, Миррих, Муштарий, Зуҳал ва 1022 та юлдузли сфера /гумбаз/дан ташкил топган, деб тасаввур қилинган. Ал-Фарғоний илм-фан тарихида биринчи бўлиб сфераларнинг радиусларини аниқлаб берди. Бу эса олам тузилишини илмий тасаввур этишнинг муҳим воситасидир. Дарҳақиқат, қизиқ-да: Ернинг ва юлдузлар сферасининг, яъни Зодиакнинг марказлари Ер марказида ётади-ку, сайёралар радиуслари ҳар хил йўналганлигидан бир нуқтада кесишмайди. Шунинг учун ҳар бир сайёранинг апогейи /узоқлашгани/ ва перигейи /яқинлашгани /, бинобарин, ҳаракатининг секинлашуви ва тезлашуви бўлади. Ёрўғликлари олти хил бўлган барча юлдузлар бир хил ҳаракатдадир. Қуёш икки хил: шарқдан ғарбга ва эклиптика қутблари орқали ўтган ўқ атрофида айланади. Ой эса беш хилда ҳаракатланади.

Улуғбек: — Осмон манзарасини гавдалантириб берадиган иккита «белбоғ» осмон экватори ва Қуёш эклиптикаси. Экватор билан эклиптика текисликлари ўзаро доимий бурчакни ҳосил қилади, деган эдик. Ал-Фарғонийнинг яна бир муҳим ютуғи шу бурчакни ўз замонасида 23 даражаю 35 дақиқа деб, бошқаларга қараганда /масалан, Птолемейда — 23 даража 51 дақиқа/ аниқроқ ўлчашидир.

Беруний: — Птолемейда Қуёш ва Ойнинг Ердан узоқлик масофалари ҳақида маълумот берилгани ал-Фарғонийга маълум эди. Ал-Фарғоний сайёралар ва юлдузлар масофасини уларга қўшди, Ой ва Қуёш тутилишларини тадқиқ қилиб, уларнинг вақт оралигини аниқлаб берди. Ана энди фалакиёт илми келгусида содир бўладиган ҳодисаларни олдиндан билувчи фанга айлана бошлади.

Коперник: — Ҳали гелиоцентризм шарпаси йўқ замонда Ер энг кичик юлдуздан ҳам кичикдир, деган фикр билан майдонга чиқди ал-Фарғоний. Бунга асос қилиб, Ер радиуси осмон радиусларидан жуда озлигини ҳам айтди. Ер шари ғўё бир нуқта.

Улуғбек: — Ернинг кичиклигини билиш учун унинг диаметрини, бинобарин, меридиан узунлигини ўлчаш ниҳоятда мураккаб назарий ва амалий масала эканлиги аниқ эди. Ал-Фарғоний Ер ёйининг қайси узунлиги I даражага тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади ва уни 360 га кўпайтириб 40 минг 800 километрни ҳосил қилади. Ер меридианининг ҳозирги замон илмий асбоблари ёрдамида ўлчанган узунлиги 40 минг 75 километр чамасидадир. Уртадаги хато ниҳоятда кам. Ал-Фарғонийга тасанно.

Коперник: — Гап шу рақамнинг ўзидагина эмас. Ер гумбази билан самовий жисмлар ҳаракати муносабатлари олам манзарасини янада бойитади. Ал-Фарғоний моҳир муаллим ҳам бўлганидан, Ер экваторида Қуёш икки марта /баҳорги ва кузги тенгкунликларда/ зенитда бўлишини осонгина тушунтириб бера олган.

Улуғбек: — Ер юзидаги икки нуқта оралиги ёйдан иборатлиги ғояси денгиз сатҳига ҳам татбиқ қилиниб, гидрографик масалалар геодезик масалаларга олиб келинди. Ал-Фарғоний шу йўсинда Қоҳира яқинидаги Рауза оролида ўлчов ишларини олиб борди. Нил дарёси гидрометеорологик табиатини аниқлаб берувчи нилметр асбобини ясади ва мана ўн икки асрдирки, у ҳануз савлат тўкиб турибди. Бу ишлар математик фалакиёт, илмий экспедиция ва асбоблар ясаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Улуғбек: — Модомики Ер шарсимон шаклда экан, одам унинг ҳамма жойида яшайдими? Бу саволга дастлаб жавоб берганлардан бири ҳам ал-Фарғонийдир. Жавоб илмий асосларга таянган. Жанубий кенгламаси 16 даражадан шимолий кенгламаси 63 даражагача бўлган сатҳдагина одам яшаши ва «Ойкумена» деб ном олган бу майдон, шунингдек, етти иқлимга бўлиниши ал-Хоразмийга маълум эди. Ҳамма вақт бир масала юзасидан икки буюк олимнинг фикрлари қайси жиҳатдандир фарқ қилганидек, ал-Хоразмий Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Марвни бешинчи иқлимга, Хоразмни олтинчи иқлимга киритган бўлса, ал-Фарғоний Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Марв, Фарғонани тўртинчи иқлимга, Хоразм ва Тошкентни бешинчи иқлимга киритган. Бу эса олимларнинг фикр юритиши бир хил бўлмаганидан далолат беради. Бир иқлим иккинчисидан, аввало, муайян жўғрофий кенгламалар билан чегаралганидан жой ҳароратини ифодалайди. Ал-Фарғоний, бундан ташқари, ҳар бир иқлимда кундуз узунлиги, унинг ўзгариш қонуняти ва осмон қутбининг баландлигини аниқлаб берди.

Беруний: — Ал-Фарғоний тадқиқ қилган иқлим тушунчаси ва иқлимлар гуруҳи Оврупо томонидан тан олинди ва фанда анча вақт хизмат қилиб келади, лекин кейинги асрларда етти иқлим ўрнига тропика, субтропика, экватория, Арктика, Антарктида, жўғрофий қутблар, оҳанрабо қутблари, совуқлик қутблари каби тушунчалар пайдо бўлди. Яъни, иқлимлар янгича шаклда намоён бўлмоқда, холос. Ҳозирги вақтда маҳаллий, ҳудудий, зонал ва жаҳон миқёсидаги экология муаммоларини, озон ўпқонининг жўғрофий кенгламаси ва узунламаси табиатини тадқиқ қилишда ўша қоидани эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Улуғбек: — Ал-Фарғоний шуғулланган тақвим муаммоси ҳануз ечилганича йўқ экан. Йилнинг тўрт фаслдан иборатлиги, улар орасидаги муносабатларнинг жўғрофий кенгламага боғлиқлиги /масалан, шимолий яримшарда ёз бўлганида, жанубий яримшарда қиш бўлиши— ёҳуд Узбекистонда баҳор ва куз бўлганида экваторда икки марта ёз бўлиши ва аксинча, бизда вақт ўлчами қандай бўлиши ва замонларни нимадан бошлаб ўлчаш кераклиги. Бу муаммони ҳал этишга ал-Фарғоний ўз улушини қўшган.

Птолемей: — Ал-Фарғоний ўша вақтгача яратилган Юнон, Эрон, Сурия, Копт, Урта Осиё халқларининг барча тақвимларини ўзаро таққослаб тадқиқ қилди. Бу ишлар менда йўқ эди, албатта.

Коперник: — Қадимги замонларда ва ўрта асрларда Қуёш ва Ой йиллари, шунингдек, мусулмон мамлакатларида шамсий ва қамарий йил ҳисоблари, кабиса йилини чиқариш, йиллар ва эралар бошланишини белгилаш масалалари фақат Қуёш, Ой ва Ер ҳаракатларидаги ўзаро табиий ҳодисаларга, бинобарин, воқеаликнинг ўзигагина эмас, балки ижтимоий ҳодисалар, чунончи, пайғамбар ва подшолар ҳаётидаги воқеаларга ҳам боғлиқ бўлган. Буларнинг ҳаммаси эндиликда тарих бўлиб қолди. Аммо бир суткада ва бир йилда оламнинг чархпалак йўсинида айланиб келишини рақамлар билан ифодалашда йилни сутка билан рационал, бутун сон ёрдамида ўлчаш ҳануз муаммолигача қолмоқда. Ер Қуёш атрофида 365 кун 6 соат 48 дақиқа 46 сонияда бир марта айланиб чиқса, 6 соатдан тўрт йилда 1 кун чиқариб, ўша 48 дақиқа 46 сония мужмал ҳолда ҳеч қаёққа сиғмай қоляпти. Бу ал-Фарғоний замонидан қолиб келаётган муаммодир. Умуман, жаҳонда тақвим муаммосини мумкин қадар ижобий ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тузилган махсус комиссия бир неча ўн йилдан бери ишлашига қарамай, ҳали бирор натижага келганича йўқ.

Улуғбек: — Жадвалнинг моҳияти қонундир. Фаннинг асосий вазифаларидан бири воқеа ва ҳодисаларнинг сабабияти ва келажакда қандай бўлишини ифодаловчи қонун-қоидаларни кашф этиш, яратишдир. Самовий жисмлар ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер геометрик-кинематик йўсинда баён этишган бўлса, ал-Фарғоний жадваллар шаклида изоҳлаган. Азимутлар, алмуқантаратлар, параллеллар радиуслари, эклиптика, сферик фалакиёт ва сферик тригонометрия жадваллари шу жумладандир. Ўша вақтларда олам манзараси келгусида қандай бўлиниши, жумладан, Ой ва Қуёш тутилишларини олдиндан айтиб беришнинг ягона усули мана шу жадваллар эди. Жадвалнинг фазилати — унинг жонли мушоҳадага ундовчи табиатидир. Қонуниятнинг юқорида тилга олиб ўтилган шаклларига график, статистик, интуитив, мантиқий усуллари ҳам қўшилади. Шундай бўлса, ҳам, ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний таъсир этган қонуниятнинг жадвали усули борган сари ривожланиб бормоқда.

Ал-Фарғоний: — Менга аён бўлди, фарқи шу эканки, жонли одамлар мулоқот қилишларида билиш сезги аъзолари воситасидан бошланса, энди бизларнинг, яъни моддий дунёдан руҳий дунёга ўтганларнинг руҳий тўлқинларимиз борлигини сеза бошлашибди. Ҳа, биз тириклигимизда фақат самовий жисмлар тўлқинланади, деб ўйлар эдик-да. Руҳий тўлқинлардан ташкил топадиган бионик кодли фикрларни сеза бошлашибди у дунёда.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Давоми бор)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

«НАФОСАТ»НИНГ НАФИС МАЖЛИСИ

Утиб бораётган ойимизнинг 20-22- кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи билан аталувчи республика Нафис санъат лицейида республика «Нафосат» ёш қаламкашлар анжумани бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан истеъдодли ижодкор ёшлар қатнашади. «Нафосат»нинг асосий мақсади Узбекистон Республикасида ижодкор ёшларни тарғиб қилиш, ғоявий-маънавий тафаккурини шакллантириш, уларни эркин ижодий мушоҳада қилишга ўргатиш.. Газетамизнинг бугунги меҳмонлари — республика «Нафосат» ижодий анжумани иштирокчилари. Тўғри, буларнинг ижоди бизнинг тасаввуримиздаги мукамалликдан фарқ қилади. Аммо ёш қаламкашларда адабиётга интилиш, қизиқиш кучли. Энг муҳими, булар ижодидаги самимийлик ва бегуборликдир. Келинг, сиз ҳам бу бегуборликка ошно бўлинг!

ДИЛ КЎЗГУСИ

(Қатра)

Тил миллатнинг муқаддас ва бебаҳо мулкидир. Миллат деган улуғвор тушунчани шакллантирувчи энг асосий унсурлардан бири ҳам, энг аввало, тилдир.

Мен миллатнинг тилини даставвал эндигина тетапоя бўлиб, қадам ташлаётган, узуқ-юлуқ гапиришга уринаётган ғудакларнинг кўзларида кўраман.

Мен уларнинг ширин тилидан тутилиб-тутилиб чиқаётган унларидан бирон маъно англаб-англаёлмасам-да, бари-бир она тилим, сенинг сеҳрингдан, қудратингдан бир зум карахтланиб қоламан.

Бу ғудак гапиришни қаердан, кимдан, қай тарзда ўрганаяпти экан? Хаёлимда яшин янглиг чақнаб ёнаётган шу каби саволлардан дилим сергак тортиб жавоб излай бошлайман.

Балки бу табиатнинг қонунидир.

Эҳтимол, бу тил, вужудимизга онамизнинг мунис алласи бўлиб сингиб кетганидадир.

Ёҳуд, ётмиш икки томирларимизга онамизнинг оппоқ сути бўлиб сингиб кетганидадир.

Она тилим! Мен сенинг жилоланган оҳангларингни, жаҳонга юз тутаётган ғўзал Ватанимнинг, чет элларда ҳам баралла янграётган, А.Орипов сўзи билан айтилгувчи мадҳиянгда ҳис этавераман.

Мен сенинг жозибадор чеҳрангни ғўзал шеърлар мутолаа қилганимда, латиф ғазалларни юракларим сел бўлиб тинглаганида яна бир бор қўргандек бўлавераман.

Сенинг қудратингга, нодир асарлар ўқиётиб, ғўё ўша қаҳрамонлар ҳаётига сингиб кетаётганимни пайқаганимда яна бир карра имон келтиравераман.

Бу қудратли, она тилимизда ҳеч бир халқнинг тимсолига ўхшамайдиган меҳмондўст, хушхулқ Ҳотамтойи, содда, ҳозиржавоб Насриддин Афандилари камол топган.

Бу тилда ҳеч бир халқнинг ижодиёти тенглаша олмайдиган «Алпомиш»лари яратилган.

Она тилим! Сенинг шунча қудратинг борлигини англолмаганлар, ғўзал жамолингдан фойдалана олишга қурби етмаганлар сени кучсиз дея камситдилар, сени фақат ҳудҳуд тили дея атадилар.

Лекин она тилим, сен ғолибона қиёфангни Қошғарийнинг «Туркий сўзлар девонида», Лутфийларнинг нафис ғазалларида, Навоийнинг мўъжизавий асарларида акс эттиролдинг.

Она тилим! Мен сенинг кўп асрлик тарихинг борлигини Юсуф Хос Ҳожибнинг ўгитларидан, Югнакийнинг насиҳатидан, Яссавийнинг ҳикматларидан, Хоразмийнинг номаларидан билажакман.

Она тилим! Сени буюк истеъдод эгаси Навоий назмда яккалам айлаганидан сўнг, янада мукаммал ривож топишинг учун катта имкониятлар яратилганлиги сабаб, дилда ғурур, ифтихор туяверaман.

Уша лаҳза шоирнинг ушбу сатрлари тилимда унсиз такрорланаверади:

Она тилим! Жон тилим.
Юрагимнинг қошида
Сайраб турган булбулим.
Сенсиз мен сўладурман,
Девона бўладурман
Туққанимга етти ёт,
Бегона бўладурман.
(Э.Шукуров)

Дилафрўз ҚОБИЛОВА,
Косон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси

ОНАЖОН

Ҳаётим бошини безаган она!
Қалбимнинг қўрини илитган сенсан.
Энди навбат бергин мунис қизингга,
Мадҳингни куйлайман юрак-юракдан.
Меҳр билан берган сенинг тарбиянг,
Юрагимга бўлди метин пойдевор.
Улуғ айёмингга азиз волидам,
Мадҳингни куйлайман такрор ва такрор.

Феруза МУРОДОВА,
Вобкент туманидаги Улуғбек номидаги ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси

КЕЛАЖАК АВЛОДИМИЗ

Истиқлол авлодимиз,
Келажак қулимизда.
Не-не машаққатлар бор
Ҳали бу йўлимизда.

Машаққатли йўллардан
Эсон-омон ўтайлик,
Бутун ёшлар жам бўлиб,
Юртни обод этайлик.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ,
Жиззах шаҳридаги 22-гимназия ўқувчиси

KAPALAK

Chaman ichra tovlanar bir gul,
Barglarida qirmiz yulduzi.
Sevinch bilan men uzatdim qo'l,
Jilosidan ko'zim qamashib.

Gul samoda uchdi nogohon,
Men bekorga bo'libman halak.
Maftun bo'lgan dilim, do'stlarim,
Bilsam, ekan atlas kapalak.

Maftuna XO'JAMQULOVA,
Toyloq tumanidagi 6-maktab o'quvchisi

Qutlov

Ҳурматли ва меҳрибон, азизу-муътабар устозимиз Клара Абдуллаева!

Биз сизни бу улуғ кун, яъни таваллуд кунингиз билан чин қалбимиздан, самимий табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ширин ва тотув ҳаёт, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Мартабангиз ва обрўйингиз бундан ҳам улуғ бўлсин дея

134-мактаб жамоаси ҳамда собиқ ўқувчиларингиз

ҚУТЛАЙМИЗ

Таниқли шоир, журналист, фольклоршунос олим, устоз Муҳаммадали ҚУШМОҚОВни ярим асрлик туйи билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ёш авлод камоли, юрт равнақи йўлида қилаётган хизматлари ва ижодий ишларида омадлар тилаймиз.

«Соғлом авлод учун» журнали жамоаси

Bilasizmi?

Илк сувости қасри қаерда бунёд этилганини биласизми? Таниқли океаншунос олим Ж.Кусто 1962 йили сув остида узоқ яшаш мумкинлигини тажриба қилиб кўрган. Париж шаҳри яқинида ўн метр чуқурликка тадқиқотчи икки ҳафта давомида яшаган.

***

Дунё буйича ишлатиладиган тузнинг қанча қисми денгиздан олинади? Ҳар йили денгиз сувини буғлатиб олинадиган 35 миллион тонна туз дунё буйича олинадиган жами тузнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

***

Океанлар номи қачон қўйилганидан хабардормисиз? Маълумки, куррамиздаги энг катта уч океан 1845 йилдагина «Атлантика», «Тинч» ва «Ҳинд» атамаларини олган. Ундан илгари Атлантиканинг шимоли — Шимолий океан, жануби — Жанубий океан деб, Тинч океан эса қачонлардир Ғарбий океан деб юритилган.

Тўпловчи А.АЛИЕВ

Xullas...

ҚИШЛОҚҚА ИНТИЛУВЧИ ИТАЛИЯЛИКЛАР

Италияликларнинг тўртдан уч қисми шаҳардаги квартираларини қишлоқ уйларига алмаштиришга тайёр эканликларини билдиришмоқда. Нега? Уларнинг ҳаммаси ҳам қишлоқдаги оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш учун иштиёқманд эмас. Тўрт фоизигина мутахассисликларини ўзгартириб, фермер бўлиш ниятида. Бошқаларини эса экологик тоза қишлоқ ҳавоси чорламоқда, холос. Қишлоқда яшаб, шаҳардаги ўз қадрдон иш жойларига қатновчи, бир сўз билан айтганда, азиз ғўшаларини тарк этгиси келмаган италияликларга қойил қолмай иложингиз йўқ.

АНАКОНДАДАН КЕЙИНГИ ЎРИНДА

Адамауа саваннасининг марказида питон (катта бўғма илон)ларни овловчи ғбайя қабиласи яшайди. Улар илон ишқибозларидир.

Ўрғочи питонлар қуруқ мавсумда чумолихўрлар кавлаб ташлаган чуқурчаларга тухум қўйишади. Ов шундан кейин бошланади. Питон деганлари анакондадан кейинги ўринда турувчи ўлкан илондир. Уларнинг баъзилари 10 метргача узунликда бўлиб, 100 килограммгача тош босиши мумкин.

Ғбайялар фақат машъала билан қуролланиб, бу мағрур илонга рўпара бўлишади. Шунинг учунми, бахтсиз ҳодисалар жуда кам. Қабила аъзолари даҳшатли илон билан «тиллаша» оляптиларми, демак, уларда қандайдир жозиба, сеҳр бўлса керак.

ТЕКИН ТАСАЛЛИ

Япониялик мутахассислар бино ичидаги шовқинга сезгир қурилма ихтиро қилишди. Шовқин муайян чегарадан ошиб кетган тақдирда, айтайлик, эр-хотин бақиришиб-чақиришганда, қурилма магнитафонни ишга солиб юборади. Дилга ором берувчи мусиқа хона ичра таралиб, таранглашган асабларни соз ҳолатга қайтаришга хизмат этади.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ОҚИЛЛАР БЕЛЛАШУВИДА

Қалмиқистон пойтахти Элиста шаҳрида Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўз ниҳоясига етди. Эркаклар баҳсида биринчи ўринни Россия-1 жамоаси қўлга киритди. Аёллар ўртасида эса ғалаба нашидасини суриш хитойлик қизларга насиб этди.

ОЛИЙ ЛИГА БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Футбол мавсуми тугашига бир неча тур қолганда, олий табақани тарк этувчи икки жамоа аниқ бўлди. Бундай «бахт»га бутун чемпионат давомида жуда бўш ўйин кўрсатган МҲСК ва «Косонсой» жамоалари эришишди.

САРАЛАБ ОЛИНЯПТИ

6-20 декабрь кунлари Бангкокда ХШ Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Бу нуфузли мусобақада 300 нафардан кўпроқ спортчимиз иштирок этиб, спортнинг 26 тури бўйича беллашадилар. Мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя этиш учун энг муносиб спортчиларни саралаш мусобақалари қизғин давом этаяпти.

ЯНГИЧА ДУНЁ БИРИНЧИЛИГИ

Келгуси йилнинг 8-20 январь кунлари Мексикада футбол бўйича олий даражадаги конфедерация кубоги ўтказиладиган бўлди. Унда барча қитъа пешқадамлари: Франция, Бразилия, АҚШ, Мексика, Боливия, Саудия Арабистони, Миср, Австралия... иштироки назарда тутилаяпти.

МАКТАБДА ТЕННИС КОРТИ

Бухоро вилояти Когон туманидаги 2-ўрта мактаб ҳудудида теннис корти фойдаланишга топширилди. Бу эса жозибали теннис спортининг вилоят ёшлари ўртасида ҳам оммалашувига ва улар орасидан маҳоратли теннисчилар етишиб чиқишига хизмат қилади.

maydonchasi

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоаси Бекобод тумани халқ таълими бўлимининг мудири Қурбонали АЛМАНОВ бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.20. Г. 123456